

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

Научно-теоретический и методический журнал

The scientific-theoretical and methodical journal

2/2018

ISSN 2181-6883

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

№ 2 (May, 2018)

Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan

Buxoro, 2018

PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

№ 2, 2018

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2016-yil 29-dekabrda qarori bilan **pedagogika va psixologiya** fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruriy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2001-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 4 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2016-yil 22-fevral № 05-072-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Muassis: Buxoro davlat universiteti

Tahririyat manzili: O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy

Elektron manzil: ped_mahorat@mail.uz

TAHRIR HAY'ATI:

Bosh muharrir: Adizov Baxtiyor Rahmonovich – pedagogika fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinbosari: Navro'z-zoda Baxtiyor Negmatovich – iqtisod fanlari doktori, professor

Mas'ul kotib: Hamroyev Alijon Ro'ziqulovich – pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

To'laganov Abduqobil Abdunabiyevich, texnika fanlari doktori, professor

Beginqulov Uzoqboy Shoyimqulovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Mahmudov Mels Hasanovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Ibragimov Xolboy Ibragimovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Choriyev Abdushukur Choriyevich, pedagogika fanlari doktori, professor

Yanakiyeva Yelka Kirilova, pedagogika fanlari doktori, professor (N. Rilski nomidagi Janubiy-G'arbiy Universitet, Bolgariya)

Qahhorov Siddiq Qahhorovich, pedagogika fanlari doktori, professor

Barotov Sharif Ramazonovich, psixologiya fanlari doktori, professor

Jabborov Azim Meyliqulovich, psixologiya fanlari doktori, professor

Sunnatova Ra'no Izzatovna, psixologiya fanlari doktori, professor

Kozlov Vladimir Vasilyevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Yaroslavl davlat universiteti, Rossiya)

Morogin Vladimir Grigoryevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Xakassiya davlat universiteti, Rossiya)

Belobrikina Olga Alfonsasovna, psixologiya fanlari nomzodi, professor (Novosibirsk davlat pedagogika universiteti, Rossiya)

Chudekova Vera Petrovna, psixologiya fanlari nomzodi (Ukraina pedagogika fanlari milliy akademiyasi, Ukraina)

Chuprov Leonid Fedorovich, psixologiya fanlari nomzodi, RAE professori (Abakan, Rossiya)

Kozubsov Igor Nikolayevich, pedagogika fanlari nomzodi, RAE professori (Kiyev, Ukraina)

Sidorova Lyudmila Pavlovna, falsafa fanlari nomzodi, dotsent ("Oliy iqtisodiyot maktabi" milliy tadqiqot universiteti (Rossiya))

Tadjixodjayev Zokirxo'ja Abdusattorovich, texnika fanlari doktori, professor

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor

O'rayeva Darmonoy Saidjonovna, filologiya fanlari doktori, professor

Axmedova Shoir Ne'matovna, filologiya fanlari doktori, professor

Durdiyev Durdimurod Qalandarovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor

Hayitov Shodmon Axmadovich, tarix fanlari doktori, professor

To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor

Mirzayev Shavkat Mustaqimovich, texnika fanlari doktori, professor

Mahmudov Nosir Mahmudovich, iqtisod fanlari doktori, professor

Bo'taboyev Muhammadjon To'ychiyevich, iqtisod fanlari doktori, professor

Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor

Olimov Shirinboy Sharofovich, pedagogika fanlari doktori, professor

MUNDARIJA-SODERZHANIE-CONTENTS

Sh. Ahmedova. Buxorolik olimlar ustod S.Ayniy haqida.....	7
G. Zaripova, S. Sobirova. 2018-yil 15-aprel — atoqli adib Sadridin Ayniy tavalludining 140 yilligiga bag'ishlov.....	12
Sh. Hayitov, Sh. Mirzoyev. Файзулла Хўжаевнинг инсонийлик ақоиди ва сиёсий фаолиятига айрим чизгилар.....	15
PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA	
A. Исманова. Ота-оналарнинг педагогик маданияти—диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш усули.....	18
Г.Эргашева. Ўқитувчи муомаласида қўлланиладиган таъсир кўрсатиш усуллари.....	21
Г.Рахимова. Ўқувчиларнинг ахборот воситаларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш.....	24
Х.Умаров, Ш.Юлдашев. Баркамол шахсни шакллантиришда илмий дунёкарашнинг туган ўрни..	28
С.Самадова. Баркамол авлодни тарбиялашда аждодлар меросининг аҳамияти.....	31
Г.Баймурадова, А.Махмудов, В.Фефелов. Рейтинг как механизм развития профессиональной компетентности учителя.....	34
Т.Катричева. Интеграция в процессе познания как общенаучное понятие.....	40
М. Краснопольская. Методологические подходы к исследованию проблемы развития профессиональной компетентности преподавателя дополнительного образования в послевузовский период.....	43
N. Baxriyeva. O'qituvchi va o'quvchi o'rtaqidagi muomala madaniyati va uning qoidalari.....	46
N. Qodirova. Makiabda sinfdan tashqari mashg'ulotlarda o'qituvchi va o'quvchi munosabati.....	50
F. Ramazonova. Yoshlarni tarbiyalashda muzeylarning o'rni.....	53
Sh.Olimov, O.Suyunov. O'qitish jarayonida hamkorlikda ishlashni tashkillashtirish texnologiyasi.....	56
Ш.Нурмуродова. Особенности применения активных методов обучения для развития образования	60
A.Alimov. O'quvchilarni kasbga yo'naltirish ishlarini samarali tashkil etish.....	64
М.Юлдашева. Замонавий таълим муҳитида педагогик фаолият ва унинг инсонпарвар йўналиш-лиги.....	68
Т.Олимов. Фуқаролик жамиятида замонавий ўқитувчининг имиджи.....	71
F. Norbo'tayev. O'smirlarda tanqidiy fikrlashni rivojlantirish yo'llari.....	74
H. Axadova. Kitobxonlik madaniyatini shakllantirish orqali o'quvchilarni "ommaviy madaniyat" ta'siridan himoyalash.....	78
Ф.Музафарова. Ўқитувчининг ҳамкорликдаги педагогик жараёни лойиҳалаш маҳоратини ри-вожлантириш.....	81
D.Safarova, R. Begmatov. Bolalar va o'smirlarda uchraydigan turli xildagi duduqlanishlarning psixolo- gik sabablari.....	85
Ў. Шамсиев. Мактабгача болалик психологияси.....	88
A.Луқмонов. Ҳомиладор аёллардаги салбий эмоционал кечинмаларни бартараф этишда психокор- рекцион муолажаларнинг аҳамияти.....	92
A.Nazarov, H.Jalilov. Globallashuvning milliy ma'naviyatga ta'siri masalalari.....	98
M. Bafayev, S. Boltayev. Qarilik — ijtimoiy-psixologik fenomen.....	101
З.Ахмедова. Аҳолининг турли катламларида психологик хизмат кўрсатишнинг асосий йўналиш-лари.....	107
О.Авласев. Муаммоли таълим методларининг талаба интеллектига таъсири.....	110
В.Бозорова. Замонавий педагогик технологияларни олий таълимда самарали қўллаш йўллари.....	114
О. Қаҳхоров. Хорижий давлатларда таълим тизимини бошқариш бўйича илғор тажрибалар ва улардан фойдаланиш йўллари.....	118
A. Хўжаев. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг таълим сифатини таъминлаш-даги роли.....	126
Н. Халилова. Талабаларда рефлексияни ривожлантиришнинг психологик имкониятлари.....	130
BOSHLANG'ICH VA MAKTABGACHA TA'LIM	
S. Xodjayeve. Xalq og'zaki ijodida o'z-o'zini tarbiya masalalari.....	135
N. Saidova. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining matematikadan o'quv materialini o'zlashtirish darajasini o'rganish.....	138
H. Tomeva. Boshlang'ich ta'lim jaraёnida ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини жадаллаштириш-нинг педагогик асослари.....	142
B. Jamilova, Y. Po'latova. Boshlang'ich sinflarda ona tili fanini o'rganish vositalari.....	146
S.Ro'ziyeva. Model lashtirish texnologiyasi — ўқитиш жараёнига замонавий ёндашув сифатида.....	149
H. Raxmatov. 3-sinf matematika darsligidagi mantiqiy masalalar ustida ishlash.....	154



Нурзода ТОШЕВА
Бухоро давлат университети
бошланғич таълим кафедраси
катта ўқитувчиси

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИШ ФАОЛИЯТЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Мақолада бошланғич синф ўқувчиларини билиш фаолиятини ривожлантириш имконияти ва кейинги босқичларда замин ярата олиши, ўқувчи билиш фаолиятининг асосий субъекти сифатида намоён бўлиши таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: бошланғич таълим, ўқувчининг билиш фаолияти, ўқитувчи фаолияти, педагогик технологиялар, субъект, таълим жараёни, билиш имкониятлари, ўқув вазияти, дидактик ёндашувлар, психологик ёндашув, психологик-педагогик хусусиятлар.

В данной статье отражены возможности развития познавательной деятельности учеников начальной школы, дан анализ процесса развития данной деятельности учащихся, определены его основные педагогические направления.

Опорные понятия: начальное обучение, познавательная деятельность ученика, деятельность учителя, педагогические технологии, субъект, процесс обучения, возможности познания, учебная ситуация, дидактический подход, психологический подход, психолого-педагогические свойства.

In this article is reflected the possibilities for development of the cognitive activity for primary school pupils, analyzes the development of students activity and determines its main pedagogical directions.

Supporting concepts: initial training, cognitive activity of the student, teacher's activity, pedagogical technologies, subject and learning process, learning opportunities educational situation, didactic approach, psychological approach, psychological and pedagogical peculiarities.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини жадаллаштириш масаласи – бугунги кунда таълим жараёнининг муҳим муаммоларидан биридир. Унинг долзарбдиги инновацион ғояларни, методик усуллар ва воситаларни излаш, ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарурияти билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармонида кўзда тутилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” бўйича узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Ушбу ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, таълим жараёнида бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятларини ривожлантиришнинг методологик асоси хисобланади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини жадаллаштириш муаммосини ечиш учун ўқув материалларининг назарийлик даражасини кучайтириш билан бир қаторда, ўқувчиларга компетенциявий ёндашувлар асосида билиш методларини изчил тарзда ўргатишни талаб қилади. Бу талаблар муайян ўқув вазиятларида амалга ошириш, ўқувчиларни билиш ҳаётий кўникмаларини шакллантириш, тафаккурининг ривожланиш, билишга асосланган бошқа руҳий ҳолатларга таъсир кўрсатадиган инновацион методлар ва усулларни излаб топиш ва тадбиқ этиш вазиятини юзага келтиради. Бунинг натижасида ўқувчиларда шахсга ёндашув, билим, кўникма ва малакаларнинг ҳаётга қўллай олиш фаолияти шакллантирилади. Шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқувчиларда мантикий ҳамда танқидий тафаккурга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки ўқувчиларнинг мантикий ҳамда танқидий тафаккурлари билиш фаолиятини жадаллигини ва ҳаётий кўникмасини таъминлаш имконини беради. Бунинг натижасида ўқувчилар муайян ўқув вазиятларида ўқув материалларини муваф-

SKILL

ШЕВА
рситети
федраси
тувчиси

РИ

и ва ке-
ифатида

ати, пе-
дидактик

учеников
лены его

ельность
и, учебная
ства.

ary school
тн.

edagogical
actic ap-

– бугунги
цион го-
зарурияти

бликасини
нида кўзда
стувор йў-
увор йўна-
сизматлари
кали кадр-
а меъёрий-
бошланғич
обланади.
з материал-
циявий ён-
лар муайян
тириш, та-
диган инно-
Бунинг на-
й олиш фао-
сий хамда
да танқидий
и имконини
ини муваф-

фақиятли ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар. Бу эса, уларнинг аклий ривожланишларини жадаллаштириб, ўзлаштириш имкониятларини кенгайтиришга асос бўлади.

“Бошланғич таълим концепцияси”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган 187-сонли “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ҳамда бошланғич таълим учун ўқув дастурлари ва ўқув-методик мажмуаларда ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантириш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш ва таълим тизимига жорий этиш мақбул йўللardan биридир. Бошланғич таълим мазмунини такомиллаштиришда, айниқса, ўқувчиларнинг таянч компетенцияларини ва фанга оид компетенцияларини ривожлантиришда инновацион усуллардан фойдаланиш, бошланғич синф ўқитувчисининг касб маҳоратини ривожлантиришга оид халқаро тажрибалардан фойдаланиш зарурияти кучаймоқда.

Жумладан, Австрияда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини индивидуал ривожлантиришга асосланган дастурлар мавжуд. Германияда иқтидорли бошланғич синф ўқувчиларини ривожлантиришга йўналтирилган “Немис мактаб академияси” номли ёзги таълим дастури амал қилади. Мазкур академиянинг асосий мақсади иқтидорли ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини самарали ривожланишини таъминлашдан иборат. Уларнинг ўз тенгдошлари билан мулоқот қилишларини таъминлаш, юқори даражадаги майлларни ҳосил қилиш, интеллектуал қувватларини муайян мақсадга йўналтириш мазкур академиянинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. АКШ, Германия, Франция, Англия каби давлатларда чуқурлаштирилган мактаблар ва синфларда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бу хорижий тажрибалардан таълим жараёнида фойдаланиш ҳамда ўқитувчилар фаолиятини янгирақ ёндашувлар асосида такомиллаштириб бориш. замонавий таълимни ташкил этишнинг асосий омилларидан биридир.

Замонавий таълим жараёнида асосий эътибор ўқувчиларнинг муайян фаолиятга йўналтирилганлиги ва ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятларига қаратилади. Билиш фаолиятига муносабат ҳақида фикр юритар эканмиз, бу ўқувчиларда билиш майллари, унга эришиш йўллари, ахборотлардан фойдаланиш, аклий фаслияг кўникмаларининг шаклланишида намоён бўлади. Бу, ўз навбатида, маҳсулдор ўқув-билув фаолиятининг вужудга келишини таъминлайди. Фаолиятнинг натижавийлиги ўқувчиларда ижобий кечинмалар, ҳис-туйғулар, юқори даражадаги билиш қизиқишларини уйғотиб, уларни истикболдаги билиш фаолиятига йўналтиради. Бу борада бошланғич таълим жараёнида фанларни ўқитишда бошланғич синф ўқувчиларида таянч ва фанга оид компетенцияларнинг шакллантирилиши белгилаб берилган. Ҳар бир ўқитиладиган фанларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш масаласи мақсад қилиб олинган. Она тили фанини ўқитиш мисолида кўриб чиқсак, бошланғич синф ўқувчиларида қуйидаги таянч компетенция элементлари шакллантириш таъкидланган:

-*ахборотлар билан ишлаш компетенцияси* ахборот коммуникацион технологиялар орқали ҳамда турли манбалардан керакли маълумотларни излаб топиш ва фойдалана олиш кўникмаларини;

-*ўзини-ўзи ривожлантириш компетенцияси* оғзаки ва ёзма нутқни такомиллаштириш, ўз фикрини баён қила олиш, мустақил ўқиш, ўзини назорат қила олиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда соғлом турмуш тарзи, кадриятларимизни сингдириш кабилар;

-*ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси*, давлатимизга ва Ватаримизга хизмат қилиш, ҳуқуқ ва бурчларимизни англаш, ҳимоя қилиш, асраб авайлаш, фаол фуқаролик позиясига эга бўлиш;

-*миллий ва умуммаданий компетенцияси* яшаб турган маҳалла ва фуқароларига ҳурмат-иззат, унинг ҳар бир қарич ерини ва тарихий обидаларини асраб-авайлаш, мустақиллигимизни қадрлай олиш;

-*математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси* математиканинг дастлабки тушунчаларига эга бўлиш, иқтисодий билимлардан кундалик фаолиятида фойдаланиш, режали кун тартибига амал қилиш кабиларни шакллантирилиши кўзда тутилган бўлса, Фан компетенцияларида – жумладан, она тили фанини ўқитишда *нутқий (тинглаб тушуниш, сўзлаш, ўқиш, ёзиш) ва лингвистик (фонетика, графика, орфоэпия, орфография, лексика, грамматика ва услубиятга оид) компетенциялар* мақсад қилиб олинган.

Бошланғич синф ўқувчиларининг нутқини ривожлантириш учун она тилининг сўз бойлиги билан ўқувчиларни таништириш вазифаси муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларнинг нутқий тафаккурини шакллантириш учун дастлаб, ўқувчилар олдига муаммоли саволлар қўйиш лозим. Мазкур саволлар ёрдамида эса, муаммоли вазиятларни вужудга келтириш керак. Бундай вазиятлар ўқув топ-

шириғини бажариш зарурияти ва бу вазифани ўқувчиларнинг мавжуд билимлари ва кўникмалари ёрдамида бажариш имконсизлиги натижасида вужудга келади. Мазкур номувофикликни англаш натижаси сифатида ўқувчининг билиш майллари намоён бўлади. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларни янги билимлар ва ахборотларни ўзлаштиришга ундайди. Улар муаммоли саволларга жавоб топишнинг усуллари ва воситаларини излай бошлайдилар.

Муаммоли вазиятлар она тили дарсларида ўқувчилар билиш фаолиятини жадаллаштирувчи воқеа сифатида муҳим дидактик аҳамиятга эга. Ўқитувчиларни безовта қиладиган муаммолардан бири – ўқувчиларда қандай қилиб ўқишга бўлган барқарор қизиқиш, билимларни ўзлаштиришга ва мустақил излашга бўлган эҳтиёжни таркиб топтиришнинг самарали усуллари топишдир. Муаммоли ўқув вазиятлари ўқув фаолияти билан боғлиқ вазифаларни ечишни тақозо қилади. Бу жараёнда ўқувчи билиш фаолиятининг субъекти сифатида ҳаракат қилади.

Муаммоли вазиятлар ўқув-билув фаолиятини ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади. Муаммоли вазиятларда ўқувчи зиддиятларга қарама-қарши қўйилиб, билиш кийинчиликларини ечишга ундалади ва мазкур вазиятдан чиқиш учун мустақил ҳаракатланиш йўлини излайди. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар катта ёшдаги ўқувчиларга нисбатан бир қатор афзалликларга эга бўладилар. Шунинг учун ҳам, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ижодий қувватларини ривожлантириш бир мунча қулай ҳисобланади. Улар онгини мавжуд қолиплардан ҳалос қилиш осон кечади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантиришда муаммоли вазиятлардан фойдаланиш уларни ривожлантиришда самарадорликка эришиш имконини беради.

Амалга оширилган кузатишлар натижалари шуни кўрсатдики, муаммоли вазиятни қўллагандан кейин ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари сезиларли даражада жадаллашди. Берилган топшириқларнинг ечимларини мустақил излаш имкониятлари кенгайди, билишга нисбатан ички майллар қучайди.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантиришнинг зарур шарти – муайян ўқув вазиятларида ўзларини мустақил бошқаришлари бўлиб, бу уларнинг ўз ҳулқ-атворларини бошқаришларида яққол акс этади. Фаолият характери ва амалга ошириш таянч компетенциялар кўрсатиб ўтилган. Зеро, ўқув фаолиятининг шаклланишлиги – ўқувчи ҳулқ-атворининг мустақил бошқарилиши, ўз руҳий ҳолати ва ўқув майлларининг барқарорлиги, ўзаро тенг келадиган усуллар ёрдамида ўқувчиларга ўз билиш фаолиятларини амалга ошириш имконини беради. Ўқувчиларнинг ўқув жараёни субъекти сифатида шаклланишлари уларда мотивацияни таркиб топтирмасдан амалга ошириш мумкин эмас. Биринчи навбатда тафаккур, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини баҳолаш ўқувчиларда ақлий фаолиятларини, тафаккурини шакллантиришдан далолат беради.

Таълим маҳсулдорлигини, тафаккурни шакллантириш билиш фаолиятини оширади. Ўқувчиларнинг мустақиллигидан келиб чиққач ҳолда ўқув жараёнида улар фаолиятини таъминлашнинг уч йўналиши ажратилган.

- намунага асосланган тақлидий;
- изланувчиликка асосланган ижрочилик;
- ижодий билиш фаолияти.

Намунага асосланган тақлидий фаолият ҳаракатнинг тайёр намуналари асосида ҳосил бўлади. Ўқувчилар намуна орқали айнан бажаришга қиёсий тарзда ўқитувчи томонидан тақлиф этилган муаммоли вазиятларни ечиш йўллари мустақил тарзда излашга эришадилар. Бу фаолият эса, билиш фаолияти ҳосил бўлишининг юқори шакли сифатида берилган вазият доирасидан ташқарига чиқишдан иборат бўлиб, муаммоларни ечишнинг янги, ўзига хос усулларини излаш, ўз ҳагги-ҳаракатларини мустақил бошқаришнинг юқори кўрсаткичларини намоён қилишга ундайди, мазкур даража шахсий фаолликни таъминлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда дидактикага оид илғор ёндашувларда билиш фаолиятининг уч даражаси мавжудлиги эътироф этилмоқда. Таълим мазмунини ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш. И.Я. Лернернинг таъкидлашича, билишнинг қуйидаги даражаларида амалга ошади: а) ўқув материални онгли тарзда идрок этиш ва эсда сақлаш; б) намунага қараб фаолият усулларини хотирлаш; в) номаълум вазиятларда билим ва кўникмаларни ижодий қўллаш. В.П. Беспалько ўз навбатида билишнинг қайта ўзгартириш босқичида ўқув материални қайта шакллантириш ва ўқувчилар томонидан мазкур материал устида танқидий фикрлаш, қарорлар қабул қилишнинг мақбул усулларини излаш, қиёслаш ва таққослаш, конспектлаштириш, маърузалар тайёрлар, рефератлар ёзиш кабилардан иборат. Билиш фаолиятининг уч даражасини ифодаловчи бошқа ёндашувлар ҳам мавжуд. Масалан, 1) бир қолипдаги, 2) жузъий ўзгартирилган, намунага асосланган, 3) маҳсулдор билиш фаолияти кабилар.

Билишнинг махсуддорлик даражасига мувофиқ тарзда тарихий, коммуникатив, мақбул ҳамда интеллектуал кўникмалар таркиб топтирилади.

Тил таълими жараёнида ўқувчи тафаккури ва нутқининг алоқадорлиги, мантикий тафаккурнинг ривожланиши ҳамда нутқининг тараққиёти Р. Сафарова, Х. Назароваларнинг илмий қарашларида ҳар томонлама асослаб берилган. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини жадаллаштириш уларни янги билимлар ва ахборотларни излашнинг зарур усуллари билан изчил қуроллантиришни назарда тутди. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларга ижодий фаолият кўрсатиш даражасига эришиш имконини беради. Бунда ўқувчиларнинг ижодий тафаккурлари яққол намоён бўлади.

Ўқув вазиятини таҳлил қилиш учун ўқитувчи биринчи навбатда мазкур жараёни ҳар томонлама ўрганиши лозим. Ушбу ўқув вазиятлари биринчи навбатда бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятларини самарали тарзда ривожлантиришга йўналтирилиши керак. Ўқув вазияти таҳлили натижалари истиқболда ўқитувчи фаолиятида ўқувчилар билиш фаолиятини ривожлантиришнинг турли вариантларини қўллаш имконини бериши керак. Ўқув вазиятларини таҳлил қилишнинг мураккаблиги шундаки, ўқитувчининг фаолияти муайян вақт доирасида амалга ошади. Чунки ўқув жараёнида ўқув вазияти учун маълум вақт ажратилади. Муайян ўқув вазияти олдига қўйилган вазифаларни ечиш учун сарфланадиган вақт ҳар доим ўқитувчилар томонидан чегараланади. Шунинг учун ҳам, белгилаб қўйилган вақт ичида ўқитувчи кучли босим остида фаолият кўрсатади. Ўқув вазиятини таҳлил қилиш жараёнида ўқитувчи қуйидагиларга амал қилиши лозим:

- ўқувчиларнинг ахборотларни ўзлаштиришга муносабатлари ва билимларининг мавжуд даражаси;
- ўқувчиларда мавжуд бўлган ўқув кўникмалари ва малакаларининг даражаси;
- ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорликка кириша олиш даражаси;
- ўқитувчининг ўқувчилар билан ва ўқувчиларнинг ўзаро мулоқотга киришиш услублари;
- синфдаги ўқувчилар орасидаги ўзаро муносабат ва ҳамкорликнинг характери. Ушбу кўрсаткичларнинг барчаси ўқувчилар билиш фаолиятларининг ривожланишига муайян даражада таъсир кўрсатади, унинг ўқув жараёни ва атрфдагиларга бўлган муносабагини белгилайди.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув вазиятлари муайян принципларга асосланган ҳолда танланиб, уларни интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришга йўналтирилади. Мазкур вазиятларда субъект-субъект муносабатлари устувор бўлиб, ўқувчилар билиш операцияларини мустақил, гуруҳли тарзда бажаришга ўқитувчи томонидан йўналтирилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида кўзда тутилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси//<http://lex.uz/docs/3107036>.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори// <http://lex.uz/docs/3153714>.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халкимиз билан бирга қурамыз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. – 488 б.
4. Абдуллаева Б.С., Сафарова Р.Г., Баҳромов А. ва б. Бошланғич таълим концепцияси. – Т., 2015.
5. Сафарова Р., Неъматов Ш. ва б. Ўқув предметлари мазмунини аниқловчи асосий параметрлар. – Т.: Фан ва технология, 2011. – 159 б.



*Buxoro davlat universiteti muassisligidagi
"PEDAGOGIK MAHORAT"
ilmiy-nazariy va metodik jurnali
barcha ta'lim muassasalarini
hamkorlikka chorlaydi.*

Pedagoglarning sevimli nashriga aylanib ulgurgan "Pedagogik mahorat" jurnali maktab, kollej, institut va universitet pedagogik jamoasiga muhim qo'llanma sifatida xizmat qilishi shubhasiz.

Mualliflar uchun eslatib o'tamiz, maqola qo'lyozmalari universitet tahririy-nashriyot bo'limida qabul qilinadi.

Bizning manzil: Buxoro shahri, M.Iqbol ko'chasi 11-uy
Buxoro davlat universiteti, 1-bino 2-qavat, 208-xona

Tahririyat rekvizitlari:

Moliya vazirligi g'aznachiligi

23402000000100001010

MB BB XKKM Toshkent sh. MFO 00014 INN 201504275

BuxDU 400110860064017950100079002

Pedagogik mahorat. Rivojlanamiz va rivojlantiramiz!

PEDAGOGIK MAHORAT Ilmiy-nazariy va metodik jurnal 2018-yil 2-son (62) 2001-yil iyul oyidan chiqa boshlagan. OBUNA INDEKSI: 3070	Buxoro davlat universiteti nashri Jurnal oliy o'quv yurtlarining professor-o'qituvchilari, ilmiy tadqiqotchilar, ilmiy xodimlar, magistrantlar, talabalar, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari hamda maktab o'qituvchilari, shuningdek, keng ommaga mo'ljallangan. Jurnalda nazariy, ilmiy-metodik, muammoli maqolalar, fan va texnikaga oid yangiliklar, turli xabarlar chop etiladi. Nashr uchun mas'ul: Alijon HAMROYEV. Musahhih: Mubiddin BAFAYEV. Muharrir: Rano ZARIPOVA.	Jurnal tahririyat kompyuterida sahifalandi. Chop etish sifati uchun bosmaxona javobgar. Bosishga ruxsat etildi 28.05.2018 Bosmaxonaga topshirish vaqti 30.05.2018 Qog'oz bichimi: 60x84. 1/8 Tezkor bosma usulda bosildi. Shartli bosma tabog'i - 20 Adadi - 100 nusxa Buyurtma № 59 Bahosi kelishilgan narxda. "Sadriddin Salim Buxoriy" MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Buxoro shahri M.Iqbol ko'chasi 11-uy.
---	--	---

"Pedagogik mahorat" ilmiy-nazariy va metodik jurnal. – Buxoro, 2018. – № 2. – 320 b.